



Форс кўрфазининг хусусий инвесторлари, шу билан бирга БААнинг амалдаги хукумати Еврохудуддаги биринчи тўлаконли Исломий Банкни очишни режалаштиромокда.

Инвесторлар 2014 йилнинг сўнгги кварталида (яъни, октябрь, ноябрь, декабрь ойларида) Люксембургда Eurisbank брендига остида кўшма бизнесни ишга туширишни режалаштиришмоқда. Бу хакда Excellencia Investment Management ширкати шерикларидан бири Аммар Даббур маълум килди.

Янги Исломий банкнинг бошлангич капитал (маблаги) 60 миллион еврони ташкил килади. Ислом молиявий ташкилоти банк хизматларини жисмоний шахслар билан бирга юридик шахсларга хам кўрсатади. Ва келажакда мазкур банк шахобчалари Парижда, Брюсселда, Франкфуртда хамда Нидерландия шахарларида очилади.

Eurisbank акцияларига БААнинг амалдаги хукумати, Якин Шарк банкларидан бири, шунингдек бир канча хусусий инвесторлар эгалик киладилар. (Уларнинг исмлари хозирча билдирилмаган).

Excellencia ширкати айни дамда Eurisbank банкининг ишга тушиши учун керакли бўлган расмий ишларни амалга оширмоқда.

Энг ожиз банда тайёrlади